

**“ТАШВИШ” СИГНАЛИГА ТЕХНИК ҚЎРИҚЛАШ ИЖТИМОЯТИ(ТҚМ) ОРҚАЛИ  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА**

**Ш А Р Т Н О М А № 120**

“17” 01 2022-йил

Олтинкўл туман

Андижон вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи М.Б.Ўринбоев, Низом асосида фаолият юритувчи бундан кейин бир томондан “Қўриқлаш” деб номланади, иккинчи томондан Олтинкўл 2-сонли касб-хунар мактаби директори О.Хужамов бундан кейин “Буюртмачи” деб номланиб, мазкур шартномани тузадилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

“Қўриқлаш” ўз зиммасига Олтинкўл тумани Ижтимоят МФЙда жойлашган Олтинкўл 2-сонли касб-хунар мактаби Директор хонаси Қоровул хоналарига ўрнатилган “1” та “шартли белги” ва “2” та ташвиш тугмача орқали директор хонаси “09:00” дан “14:00” гача “5” (беш) соат қоровул хонасига “23:00” дан “04:00” гача “5” (беш) соат байрам ва дам кунларидан ташқари ҳар куни ўрнатилган “ташвиш” сигнализацияси ҳолатини телефон ёки радиоалоқадан фойдаланиб назорат қилиш мажбуриятини, шунингдек “Объект”нинг ТҚМ назорати даврида у ерга кирган бегона шахсларни қўлга тушириш учун объектдан “ташвиш” сигнали берилганда, қўриқлаш нарядининг тезлик билан етиб келишини назорат қилиш мажбуриятини олади.

**2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:**

**2.1.1.** “Қўриқлаш” тавсиясига биноан “ташвиш” сигнализацияси ўрнатиладиган жойларни аниқлайди.

**2.1.2.** Бегона шахсларга “ташвиш” сигнализациясидан фойдаланиш ва “Объект”га белгиланмаган шартли рақам ҳақида маълумот бермайди.

**2.1.3.** “Ташвиш” сигнализациясидан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилади ва унинг схемасига ўзгартириш киритмайди. Унинг носозлиги ҳақида ўз вақтида “Қўриқлаш”га ҳабар беради.

**2.1.4.** Кунига камида бир марта “ташвиш” сигнализацияси ишлашини синаш учун “Ташвиш” сигналени бериб, синаб кўради. Бунда телефон орқали “Қўриқлаш” ни олдиндан огоҳлантиради.

**2.1.5.** “Ташвиш” сигнализацияси уланган телефон алоқаси ва электр таъминоти тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чора-тадбирларини кўради.

**2.1.6.** “Қўриқлаш” га белгиланган тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- “Буюртмачи” айби билан ишдан чиққан “ташвиш” сигнализацияси аппаратурасини таъмири учун;
- Фойдаланиш муддати 5 йилдан ошган “ташвиш” сигнализацияси аппаратурасини капитал ремонт қилиш учун “ташвиш” сигнализацияси фойдаланиш муддати тугаган ёки уни модернизация қилиш учун мавжуд апаратура ўрнига алмаштириш учун;

- “Буюртмачи” айби билан сохта чақирувларга ТҚМ нарядининг ҳар бир келиши учун ойлик тўловнинг 1 % миқдоридан (тўлов миқдори ТҚМ дан буюртмага объектга масофа учун фойдаланилган транспорт ва ёқилғи ҳисобидан аниқланади).

**2.2. “Қўриқлаш”нинг мажбуриятлари**

**2.2.1.** “Объект”ни “Буюртмачи” ўз маблағлари ҳисобига “Қўриқлаш”га тегишли “Ташвиш” сигнализацияси аппаратлари билан жихозлайди. Ўз ҳисобидан “ташвиш” сигнализацияси воситаларини техник хизмати ва таъмирлашни амалга оширади, бундан “Буюртмачи” айби билан вужудга келган носозликлар мустасно.

**2.2.2.** Белгиланган тартибда “Объект”ни назорат қилиш учун қабул қилади ва “Ташвиш” сигнали берилганда 5 дақиқа ичида ТҚМ наряди етиб келишини таъминлайди.

**2.2.3.** “Буюртмачи”ни “Ташвиш” сигнализациясидан фойдаланишга ўргатади ва уларга йўриқнома беради.

**2.2.4.** Ҳар бир сохта “ташвиш” сигнали ишлагани учун далолатнома тузилиб, 1 нусхаси “Буюртмачи”га берилади.

**2.2.5.** “Ташвиш” сигнализацияси аппаратурасидан фойдаланиш 5 йил муддатидан ошса, капитал таъмирлашни амалга оширади.

**2.2.6.** “Буюртмачини”ни “Қўриқлаш” хизмати учун тўлов таърифлари ўзгарганлиги ҳақида ҳабардор қилади.

**2.2.7.** Қуйидаги ҳолатларда шартноманинг амал қилишини тўхтатади ёки бир томонлама бекор қилади:

а) “Буюртмачи” хизматлар учун тўловдан камида 2 ойлик қарздор бўлса;



б) “Кўриқлаш” мажбуриятларини бажариш учун тўсқинлик қилувчи техник сабаблар (объектга ўрнатилган телефон номери ўзгарган бўлса, тармоқ 2 ёқлама схемага ўтказилса, телефон ўчириб қўйилса, Ижтимоятлашган кўриқлаш Ижтимояти тугатилса) пайдо бўлганда;

в) “Кўриқлаш”га “Буюртмачи” ўзгарганлиги хақида хабардор этилмаган бўлса;

г) Мазкур шартноманинг 2.1.2., 2.1.3., 2.1.4., 2.1.6. бандларида кўзда тутилган қоидалар бузилган бўлса.

2.2.8. Агар техник воситалар билан амалга оширишга тўсқинлик қилувчи сабаблар (телефон ўзгарилган бўлса, телефон аппарати носозлиги, электр энергиясининг тўхтатилганлиги, Ижтимоятний назорат Ижтимоятларининг алмаштирилиши ёки қайта дислокация қилиниши) пайдо бўлса, “Объект”ни назорат учун қабул қилмайди, бу хақида “Буюртмачи”ни телефон орқали хабардор қилади.

### 3. ХИЗМАТ КўРСАТИШ НАРХЛАРИ, ХИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартнома асосида “Буюртмачи” “Кўриқлаш”га кўрсатилган хизматлар учун смета ҳисоб-китобига мувофиқ “Объект”нинг назорат остида бўлиши соатбай қиймати ҳисобидан ҳар бир ойга 735080 (ЭТТН юз ўттиз беш миңлик саксон чўч) сум кўриқлашга хизматларга 28547 (иш - ширкети тўққиз ўн миңлик беш юз кўчи етмиш чўч қўшимча бўлганга қўшимча) сумга қилинган; 764627 (ЭТТН юз ўттиз беш миңлик саксон чўч сумни ташкил қилади.

Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат нархи ўрнатилган тариф асосида кўриқлаш калит-соат ҳисоби бўйича Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳисоб-сметасида ҳисоблаб кўрсатилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кумондони томонидан тасдиқланган “Тариф”лар асосида Кўриқлаш хизмати учун тарифлар қайта кўриб чиқилади.

3.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов “Буюртмачи” томонидан ҳар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар смета ҳисоб-китоби ва “Кўриқлаш”нинг мазкур шартномага мувофиқ 1 ойда амалга оширилган соатбай хизматлар ҳисоби асосида амалга оширилади.

3.3. “Кўриқлаш”нинг хизмат кўрсатиш нархлари энг кам иш хақи ўзгарганда, энергия ташувчилар, аппаратура, автотранспорт, алоқа хизматлари нархлари ўзгарганда янги тарифлар киритилиши сабабли қайтадан кўриб чиқилади.

3.4. “Кўриқлаш” томонидан кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ва жарима тўловлари “Буюртмачи” томонидан “Кўриқлаш” ҳисобини ёки хабарномани тақдим этганидан 10 кун ичида пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

3.5. Мазкур шартнома бўйича юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар, томонларнинг келишуви орқали ҳал этилади, уларни ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда ҳудудий иқтисодий судлари орқали кўриш учун берилади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

#### 4.1. “Буюртмачи” нинг жавобгарлиги.

4.1.1. Мазкур шартнома бўйича хизматлар учун тўловлар кечиктирилса, кечиктирилган ҳар 1 кун “Кўриқлаш”га шартнома нархининг 0,4% миқдорида умумий жарима миқдори кечиктирилганда сўмманинг 50% дан ошмаган ҳолда жарима тўлайди.

4.1.2. Мазкур шартнома бўйича хизматлар ҳақини асосланмаган ҳолда тўлашдан бош тортса тўлов миқдорининг 15% миқдорида қўшимча жарима тўлайди.

#### 4.2. “Кўриқлаш”нинг жавобгарлиги.

4.2.1. “Кўриқлаш” кўриқлаш вақтидан ташқари объектда бегона шахслар томонидан зарар келтирилса, моддий жавобгар ҳисобланмайди.

4.2.2. “Буюртмачи”га, “ташвиш” сигнали берилганда ТҚМ наряди етиб боришлиги таъминланади.

4.2.3. Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

4.2.4. Пеня тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод етмай.

### 5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, фавқулотда ҳолатларда, томонлар ўз имкониятлари ва кучлари билан назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатларда шартнома шартларини тўла ёки қисман бажармаслиги тарафларни жавобгарликдан озод қилади.



5.2. Куч билан енгиб бўлмайдиган ҳолатлар, сув тошқини, зилзила, ёнғин каби табиий офатлар, ҳукумат қарорлари, давлат органлари фармойишлари, турли характердаги ҳарбий ҳаракатлар шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ҳисобланади.

## 6. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағлар олувчилари бўйича белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабрь куни охиригача;

6.2. Шартномани бекор қилиш тўғрисида манфаатдор томон, иккинчи томонни бекор қилинадиган муддатдан 30 кун олдин ҳабардор этишга мажбур.

6.3. Агар шартнома тузган томонлар белгиланган муддатда шартномани бекор қилиш тўғрисида маълум қилмаса, шартнома автоматик тарзда худди шу муддатга, аввалги шартнома бўйича ўзайтирилган деб ҳисобланади.

## 7. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва банк реквизитлари:

### “ҚЎРИҚЛАШ”

Андижон вилояти Қўриқлаш  
бошқармаси

Юридик манзили: Андижон шаҳар  
М.Тикланиш кўчаси 26-уй  
Банк реквизитлари: 21596000900278042001  
МФО: 00016  
СТИР: 200237592  
ХХТУТ: \_\_\_\_\_  
Ижтимоиятий банк ХККМ

Андижон вилояти Қўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи

М.Б. Ўринбоев

2022-йил “\_\_\_\_\_”



### “ХЎЖАЛИК ИДОРАСИ”

Олтинкўл 2-сонли касб-хунар мактаби


Юридик манзили: Олтинкўл туман Ижтимоият  
МФЙ

Банк реквизитлари:  
Х/р: 100010860032027092801079002  
МФО: 100010860032027092801079002  
СТИР: 100010860032027092801079002  
ХХТУТ: М.Б. Ҳасанов  
Ҳ/р: 23402000300100001010

Олтинкўл 2-сонли касб-хунар мактаби  
директори

О.Хужамов

2022-йил “\_\_\_\_\_”





«Тасдиқлайман»

Анджон вилояти Кўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи

М.Б. Ўринбоев



«Келишилган»

Олтинкўл 2-сонли касб-хунаар мактаби  
директори

О. Хужамов



Анджон вилояти Кўриқлаш бошқармаси Олтинкўл тумани  
Кўриқлаш бўлими ТҚМ орқали кўриққа олиш:

Смета хисоби

t/p	Кўриққа олинган объектлар номи	Объект номи	Урнатилган кўриқлаш хабартоҳлари	Кўриқлаш тури	Калит сони	Кўриқлаш вақти (соат)			Бир ойлик кўриқлаш соати	Кўриқлаш нархи (сўм)	Урнатилган КЁСТ Воситалари сони (шартли белги):	Урнатилган КЁСТ воситаларига кўшимча кўрсатилган хизмат сони (шартли белги):	
						Иш кунлари	Дам олиш ва Байрам олди кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Олтинкўл 2-сонли касб-хунаар мактаби	Қоровул хонаси	Приток	ТҚМ ташвиш	1	23-04			130	3128	406640	1	29547
2	Олтинкўл 2-сонли касб-хунаар мактаби	Директор хонаси	Приток	ТҚМ ташвиш	1	09-14			105	3128	328440	-	-
	Жами сумма				2				235		735080	1	29547

Кўрсатилган хизмат учун бир ойлик хизмат хақи: 764 627 (етти юз олтмиш тўрт минг олти юз йигирма етти) сўм.

Анджон вилояти Кўриқлаш  
бошқармаси МИБ бошлиғи

Н.Зулунов